

# **Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди**



Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши 300М платформаси орқали онлайн ташкил этилди ва унда туман Кенгаши депутатлари, алоқадор корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда котибият мутахассислари иштирок этишди.

Депутатлар кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Унда Термиз туман Давлат солиқ инспекцияси бўлими бошлиғи Комилжон Раҳмонов ҳамда туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими бошлиғи Алижон Расуловнинг ҳисоботлари тингланди.